O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

■ 2003-YIL ■ 5-IYUN ■ PAYSHANBA ■ 69 (27.089) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## «Будапешт — тарих кўзгуси»

Пойтахтимиздаги Замонавий санъат марказида ана шундай мавзудаги кўргазма очилди. Унинг очилиш маросимида Будапешт шаҳри мэри Габор Демски бошчилигидаги Венгрия делегацияси ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тантанада сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов, Будапешт шаҳри мэри Габор Демски, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиев ва бошқалар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик йилдан йилга янада ривожланиб бораётганини таъкидладилар.

**(Ўз мухбиримиз)**

## Жиддий таҳлил ва прагматик қарорлар вақти

Санкт-Петербургнинг 300 йиллиги байрамини нишонлаш атрофидаги эҳтирослар босилди, барча муҳим меҳмонлар уйларига жўнаб кетишди. Телеканаллардаги «қайноқ» янгиликлар бошқа мавзуларга кўчди. Ҳаёт эса янги чақириқлар, кутилмаган ва кескин ўзгаришлар, мураккаб сиёсий ва иқтисодий жараёнлари билан давом этмоқда. Ҳозир олий даражада ўтган учрашувлар, кенгашлар ва музокаралар якунларини ақли расолик билан таҳлил этишнинг айни пайти. Афсуски, кўплаб мамлакатлар тақдири учун муҳим бўлган бундай саммитларни ёритиш чоғида рўй бераётган асосий ва марказий воқеалар оммавий ахборот воситалари эътиборидан четда қолмоқда. Улар негадир жаноб Бушнинг қандай ва ким билан сўрашганлигига, кимга табассум қилганлигига, жаноб Путиннинг матнни қандай тез ёки секин ўқиганлигига, президентларнинг таомномалари қандай бўлганлигига ва ҳоказоларга кўпроқ эътиборни қаратишди. Булар чизгилар, баҳслашмайман, лекин асосийси бу эмас. Оммавий ахборот воситалари фақат оммавий кўнгилочарликлар воситалари (ҳозирда улар шунга айланмоқда) бўлиб қолмаслиги, балки энг аввало рўй бераётган воқеаларнинг ҳақиқий туб сабабини очиб бериши, холис, профессионал ёритиши ва шу тариқа сиёсий жараёнлар катализаторлари бўлиши лозим. Мана шундагина биз мақсади жамиятга хизмат қилишдан иборат бўлган сифатли журналистика ҳақида гапиришимиз мумкин. Шундагина оммавий ахборот воситалари ўзлари интилаётган «тўртинчи ҳокимият»га даъвогарлик қила оладилар.

**Демак, шу кунлар мобайнида ШҲТ ва МДҲ саммитларида асосий нарса нима бўлди? Ушбу ташкилотлар доираларида энди ҳамкорлик қандай қарор топиши лозим? Олдинда нималар турибди?**

ШҲТнинг Москва саммити институционализм ва ташкилий асосларни шакллантириш жараёнини якунлади, ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликнинг сифат жиҳатдан янги босқичга чиқиши учун зарур ҳуқуқий пойдевор яратилди. ХХРнинг янги раҳбари Ху Цзинтао илк бор ана шу саммитда иштирок этди, ўз ҳамкасблари билан яқиндан танишишга ва улар билан кўп масалалар юзасидан гаплашиб олишга улгурди. Бу муҳимдир, зеро Хитой ташкилот доирасида кўринарли ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг нутқи ҳар доимгидек, прагматик ва амалий бўлди, у Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг фикрига қўшилишини билдириб, *«бугун шакллантирилаётган ШҲТ халқаро сиёсатнинг амалий органи сифатида ўз ўрнини топиши, унда ШҲТ таркибига кирувчи ҳар бир мамлакатнинг манфаатлари инобатга олиниши кераклиги ҳақида»* тўхталди. Бунда блокларга бўлинишлар ва минтақадаги рақобатчиликнинг ҳар қандай кўринишлари мутлақо самарасиздир, деб таъкидлади.

3-бет

# Миллат келажаги учун яшаш — барчамизнинг муқаддас бурчимиздир





### 4 ИЮНЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ РАИСЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ҲОМИЙЛИК КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Мажлисда мазкур кенгаш аъзолари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мамлакатимиз раҳбари бугунги йиғилишдан асосий мақсад — бундан олти ой муқаддам ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятига танқидий нуқтаи назардан баҳо бериш, эришилган натижалар, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни ҳар томонлама чуқур таҳлил этиб, тегишли хулосалар чиқариб олишдан иборат эканини таъкидлади.

Даставвал Ҳомийлик кенгаши ўтган галги йиғилишларида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши билан боғлиқ масала муҳокама қилинди. Мазкур масалага бағишлаб 2002 йил 29 декабрда ва 2003 йил 7 февралда жамғарма Ҳомийлик кенгаши мажлислари ўтказилганди. Уларда жамғарманинг мақсад-вазифалари ва фаолият йўналишлари, марказий идораси ва жойлардаги тузилмалари ҳақида, умуман, мана шу янги ташкилот билан боғлиқ барча ташкилий, молиявий масалалар тўғрисида атрофлича фикрлашиб олинган эди.

Хусусан, 7 февралдаги мажлисда жамғарма фаолияти бўйича ҳар бир мутасадди идора ва ташкилот, барча раҳбарлар зиммасига аниқ вазифалар юкланиб, болалар спорти борасида Ўзбекистоннинг ўзига хос табиий иқлим шароити ва анъаналарига мос келадиган истиқболли спорт турларини танлашда илмий асосда ёндашув, спорт мактаблари ва секцияларининг ишини тўғри ташкил этиш, ўқувчилар қалбида спортга қизиқиш, ҳавас ва интилишни тарбиялаш муҳимлигига алоҳида урғу берилганди.

— Албатта, ўтган вақт мобайнида жойларда бу йўналишда бирмунча ишлар қилинганини айтиб ўтиш лозим. Лекин, биз ўз олдимизга қўйган юксак талаблар нуқтаи назаридан мавжуд вазиятга баҳо берадиган бўлсак, афсуски, ишларнинг аҳволи қониқарсиз эканини кўрамиз, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари биринчи галда мамлакатимизда болаларнинг спорт билан шуғулланиш даражаси қандай эканига эътиборни қаратди. Республикада 6 миллион 528 минг нафар 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган бола бор. Бу масала юзасидан ахборот берган жамғарма раиси А.Мирқосимовнинг айтишича, бугунги кунда ана шу болаларнинг атиги 432 минг нафари, яъни 6,7 фоизигина спорт билан мунтазам шуғулланади. Халқ таълими вазири Р.Жўраев эса бу борада бошқачароқ рақамларни айтди. Унинг сўзларига қараганда, республикамиз бўйича ҳозир қарийб 26 фоиз бола спорт билан доимий равишда машғул.

— Гап рақамларда эмас, — деди Юртбошимиз. — Асосийси, бу рақамлар, кўрсаткичларнинг бугун қилаётган ишимизга қараб эртага ўсиши, ўзгаришидир. Хўжакўрсинга рақамбозлик қилишдан кўра, соғлом авлод тарбияси муҳим эканини унутмайлик. Бу борадаги барча ишларимиз мавсумий эмас, давомли, чуқур ўйланган бўлмоғи даркор.

Президент йиғилганлар эътиборини мамлакат миқёсида қанча спорт иншоотлари мавжудлигию улардан неча фоизи ишлаётганига қаратди. Маълумотларга кўра, республикамиздаги мавжуд спорт иншоотларидан 30-40 фоизи ишламоқда.

Спорт иншоотларидан тўлиқ фойдаланилмаётганининг асосий сабаблари спорт мураббийлари етишмаслиги, жойлардаги мутасадди раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, замонавий спорт анжомларининг камлиги билан боғлиқ муаммолар эканлиги айтиб ўтилди.

Президент жойлардаги ишламай турган спорт иншоотлари билан боғлиқ барча муаммоларни ўрганиб чиқиб, уларнинг ечимини топиш ва ҳал этиш, мавжуд спорт иншоотларини тўғри, қонуний ва фойдали ишлатишни таъминлаш бўйича махсус комиссия тузиш юзасидан тегишли топшириқлар берди.

Мактабларда жисмоний тарбия дарси ҳафтасига атиги икки соатни ташкил этади. Қишлоқ мактабларида эса қиш мавсумида бу дарс ҳам тўла ўтилмайди. Мамлакатимиз раҳбари алоқадор вазирликлар зиммасига ушбу масалани кўриб чиқиш вазифасини юклади.

— Спорт билан шуғулланадиган ҳар қандай инсон ўзини яхши кўради, ўзини ҳурмат қилади. Бошқача айтганда, ўзини яхши кўрадиган одам спорт билан шуғулланади, фарзандларини ҳам спортга жалб этади. Буни қўллаб-қувватлашимиз, аҳоли орасида спорт маданиятини юксалтиришга эришишимиз керак, — деди Юртбошимиз. — Аммо кишиларимизнинг кундалик эҳтиёжларини қондиришда муҳим аҳамиятга эга дўконлару ошхоналар ўрнида турли кўнгилочар жойлар, хусусан, биллиардхоналар қуришнинг спортга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Президентимиз болалар спорт иншоотларининг намунавий лойиҳаларини тасдиқлаш билан боғлиқ масалага тўхталиб, ҳар бир лойиҳа жойларда ҳокимлар ва мутахассислар иштирокида чуқур ўрганилиб, таклифлар танқидий мулоҳазалар асосида тасдиқланиши мақсадга мувофиқ эканини айтди. Жойларда Андижон, Хоразм ва Бухоро вилоятлари марказларидаги каби стадионларни барпо этиш тажрибасини ҳар томонлама пухта ўрганиб, уни асос қилиб олиш ва амалда татбиқ қилишни тавсия этди.

— Ҳаммамиз тушунамиз — ҳокимларнинг зиммасидаги масъулият катта, уларга ишониб топширилган вазифалар бир-биридан муҳим, — деди Ислом Каримов. — Албатта, пахта ҳам, ғалла ҳам керак. Аммо бу ишларнинг ўз эгаси — деҳқон бор, фермер бор, тегишли мутахассислар бор. Уларга халақит бермасангиз бўлди, ўзлари ишини билиб қилаверади.

Ҳокимнинг, раҳбарнинг энг асосий вазифаси — аввало, мамлакатда олиб борилаётган давлат сиёсатини, унинг устувор йўналишларини, стратегик мақсадларимизни тўғри тушуниш, одамларнинг, ёшларимизнинг эртанги кунини ўйлаш, бунинг учун муносиб шарт-шароит яратиб беришдан иборат. Эртанги кунимиз, миллатимизнинг келажаги, аввалambор нимага боғлиқ? Ўз-ўзидан аёнки, бу биринчи галда фарзандларимизнинг соғлом ва ҳар томонлама баркамол вояга етишига боғлиқ.

— Биз яна битта бюрократик ташкилот тузганимиз йўқ, — деб таъкидлади Президент. — Шунинг учун бўлар-бўлмас одамларни — ҳар хил таниш-билишларни бу ишга тиқиштириб, яхши ният билан бошланган ҳаракатимизнинг обрўсини туширмаслик керак.

Болалар спортини ривожлантириш деган иборанинг асл мазмун-моҳияти нима? Бу тушунчанинг замирида нималар мужассам? Давлатимиз раҳбари мажлис аҳлининг эътиборини ана шу масалаларга қаратди.

— Барчангиз бир ҳақиқатни яхши тушуниб олишингизни истардим, — деди Ислом Каримов. — Болалар спортини ривожлантириш дегани — ҳамма профессионал спорт билан шуғуллансин, ҳамма чемпион бўлсин, дегани эмас.

(Давоми 2-бетда.)

## Кўзларда қувонч, юзларда шодлик порлади...



**Фарзандларимиз келажаги ва бахтли ҳаёти учун кўплаб амалий чора-тадбирлар, саъй-ҳаракатлар ҳаётга татбиқ этилаяпти.**

**Миллат бардавомлиги, юрт равнақи, эртанги кунимизнинг ёруғлиги, асосан, ўғил-қизларимизнинг ҳар жиҳатдан соғлом ва бақувватлиги, руҳан етуклиги, маънан юксак тарбия топганлигига боғлиқ.**

**Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан юртимизнинг барча вилоят ва туманларида кенг миқёсда байрам тадбирлари бўлиб ўтди. Жумладан, пойтахтимизнинг турли сайлгоҳ ва истироҳат боғларида ҳам болажонлар байрами оммавий тарзда нишонланди. Қуйида мухбирларимизнинг жойлардан тайёрлаган хабарларини эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.**

4-бет

## Юрт равнақи, миллат келажагини ўйлаб

### БУГУН АНДИЖОНДА РЕСПУБЛИКАМИЗ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА АНЪАНАВИЙ «БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ БОШЛАНАДИ



Юрт равнақи, миллат келажаги бугунги ёшларимизга берилаётган эътибор, кўрсатилаётган ғамхўрлик билан белгиланади. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида яратилган уч босқичли спорт тизими айнан шундай эътибор ва ғамхўрлик намунасидир. Юртимиз ўғил-қизлари ўртасида тўрт йилдан буён ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт мусобақалари ёшларни фойдали ва мазмунли ҳаракатга йўналтириш, курашда чиниқтириш, жамоа бўлиб ҳаракат қилиш, уларда жисмоний тарбияга бўлган қизиқишини кучайтириш, ғалабага интилиш фазилатларини тарбиялаш, спортни фарзандларимизнинг ҳаётий эҳтиёжига айлантиришдек эзгу мақсадларни ўзида мужассам этгани ва жойларда ҳақиқий байрам тусини олаётганлиги ҳам бежиз эмас.

4-бет

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

## Илмий-амалий анжуман

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент давлат техника университетида «Бозор иқтисодиёти шароитида техника фанларини ривожлантириш» мавзусида олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган хорижий жамғармалар вакиллари, вазирликлар ходимлари, таниқли олимлар ва соҳаларнинг етакчи мутахассислари ҳамда кенг жамоатчилик намояндалари иштирок этдилар.

«Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари, профессор А.Абдиев, ЎзР ФА «Кибернетика» ИИЧБ директори, академик М.Комилов, ЎзР ФА Сейсмология институти директори, академик К.Абдуллабеков, «БМКБ — Агромаш» ОТАЖ бошқаруви раиси А.Маликов сингари ўнлаб мутахассислар қилган маърузалар анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Мамлакатимизнинг илмий изланишлар билан шуғулланаётган 300 дан зиёд тадқиқотчилари: энергетика ва электротехника, нефть-газ ва саноат экологияси, кончилик ва геология, механика ва машинасозлик, иқтисодиёт, электроника ва автоматика, компьютер технологиялари, фундаментал ҳамда ижтимоий-гуманитар фанлар сингари шўъбаларда илм ютуқлари ва ўқитишдаги янги услублар тўғрисида маърузалар қилишди.

**Наргиза ҚАЛАНДАРОВА**

● УЧРАШУВ

## Муаллим ила матбуотнинг мақсади бир, маслаги бир

### АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ БИЛАН БЎЛИБ ЎТГАН УЧРАШУВДА УШБУ ҲАҚИҚАТ ЯНА БИР БОР НАМОЁН БЎЛДИ



СамДУ — бу қадим маърифат бешиги йиллар давомида юзлаб фанимиз дарғалари, адабиёт, санъатимизнинг улуғ намояндаларини улғайтирди. Илм масканида ўзбек таълим тизими, илмфанини юксалтирган маърифатпарварлар камол топдилар.

Кейинги йилларда Самарқанд вилоятида юз бераётган бунёдкорлик, яратувчилик ишлари билан бир қаторда таълим соҳасида, жумладан, университетда ҳам ўқув жараёни, кадрлар тайёрлаш тизими, халқаро алоқалар, замон талабига жавоб берадиган ўқув қуроллари, компьютер техникалари билан таъминлаш жаҳон талаблари даражасида ривожланмоқда. Фан докторлари, номзодлар тайёрлаш сифати ва сони кескин ўсди. Университет талабалари орасида «Умид» жамғармаси грантига сазовор бўлганлар, республика ва халқаро олимпиадалар ғолиблари, спортнинг турли соҳалари бўйича бир неча бор жаҳон, Осиё, республика чемпионлигини қўлга киритганлар бор. Университетда халқаро аҳамиятга эга бўлган семинарлар, симпозиумлар ўтказилмоқда.

2-бет

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА
BUSINESS BANK

# Миллат келажаги учун яшаш — барчамизнинг муқаддас бурчимиздир

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ёшларимиз орасидан чемпионлар етишиб чиқиши, жаҳоннинг энг нуфузли майдонларида байроғимизни кўтариб, Ватанимиз шаънини бутун дунёга таратиши қувонарли, албатта. Бундай ғалабалар ҳар биримизга ғурур-ифтихор бахш этишини ҳаммамиз тан оламиз. Бугунги кунда ёш ўғил-қизларимиз орасидан ана шундай чемпионлар етишиб чиқаяпти ва бундан кейин ҳам чиқаверади. Бунинг ҳам зарур чора-тадбирларини кўряпмиз. Мен ишонаман — бу ишлар албатта ўз натижасини беради.

Биз мазкур жамғарма орқали аввало соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантиришдек олижаноб мақсадларни кўзлаганмиз.

Болаларимиз соғлом бўлса, миллатимиз бақувват бўлса, ҳаёт синовлари ва қийинчиликлардан қўрқмайдиган, иродаси мустаҳкам бўлса, энг муҳими шу. Мана шу ғоя учун жон куйдириб яшаш ва ишлаш керак. Бунинг учун, аввало, ишни тўғри ташкил этиб, малакали, ишнинг кўзини биладиган кадрларни жой-жойига қўйиб, тарғибот-ташвиқот ишларини тўғри олиб бориш даркор. Токи одамларнинг ўзи бу ишнинг моҳияти ва аҳамиятини тўлиқ тушуниб етсин.

Мамлакатимиз раҳбари бу йўналишдаги тарғибот-ташвиқот ишлари ҳақида сўзлар экан, спорт журналистларимиз бу борада етарлича фаоллик ва фидойилик кўрсатмаётганлигига эътиборни қаратди. Телевидение ва радио, газета-журналлар бу масаланинг нечоғли долзарб аҳамиятга эга эканини ёритишда сусткашликка йўл қўймоқда. Энг ёмони, журналистларимизда билим ва малака, ҳаётий тажриба етишмаяпти.

Шуларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, оммавий спорт тарғиботини ривожлантириш ҳақида ҳукуматимизнинг махсус қарорини қабул қилсак, ҳар томонлама тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Ушбу қарорда спорт журналистикаси соҳаси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг ўзига хос миллий тизимини шакллантириш, спорт нашрлари ва бу соҳага ихтисослашган бошқа оммавий ахборот воситаларининг моддий-техникавий базасини яхшилаш, спорт журналистларини рағбатлантириш чора-тадбирлари белгилаб берилиши керак. Ўйлайманки, шу мақсадда мамлакат телевидениесида махсус «Спорт» каналини ташкил этиш ўринли бўлади.

Мустабид тузум даврида кўпчиликнинг онгига чуқур ўрнашиб қолган нохуш бир одат, афсуски, бизнинг ҳаётимизда ҳали-бери яшаб келмоқда. Бу одат, лўнда қилиб айтганда, лоқайдлик, беғамлик, масъулиятсизликдир. Кўпчилигимиз ўз умрини яшаб бўлган эски тушунчалар, тараққиётга ғов бўлаётган эскича муносабатларга кўникиб кетганмиз. «Бизга шу ҳам бўлаверади», деган қарашни табиий ҳол деб қабул қиламиз.

Йўқ, энди очиқ, баралла айтиш керак: энди бундай яшаб бўлмайди. Энди лоқайдлик, қолоқликни туғдирадиган, тараққиётимизга тўсиқ бўладиган бундай қарашларга мутлақо чек қўйиш керак. Энди ҳаммамиз бутунлай янгича — бугун замоннинг ўзи тақозо қилаётган талаблар билан яшашимиз, ҳаётга муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз, болаларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун қўлимиздан келган, имконимизда бўлган барча ишни қилишимиз, миллат келажаги учун ёниб яшашимиз зарур.

Миллат келажаги учун яшаш барчамизнинг муқаддас бурчимиз бўлмоғи керак. Агар шу эзгу ният билан яшасак, уни амалга ошириш учун курашсак, бошлаган ижобий ишларимизни охирига етказсак, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистонимизнинг келажаги буюк бўлади, деди пировардида Президентимиз.

Мажлисда жорий йилда республика ҳамда ҳудудлар миқёсида янги болалар спорт иншоотларини барпо этиш дастури ва жамғарманинг 2003 йил бюджетини тасдиқлаш, спорт анжомлари, кийим-кечаклар ва чарм-пойабзал маҳсулотларини ўзимизда ишлаб чиқариш, болалар спорт иншоотларининг намунавий лойиҳаларини тасдиқлаш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Ушбу масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси раиси Ў.Исмоилов, соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни раиси Н.Кучерский ва бошқалар ахборот берди.

Мажлисда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА шарҳловчиси**

✧✧✧

**Суратларда:**
мажлисдан лавҳалар

**Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат**

---

**БУГУН — ЖАҲОН АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ**

# Табиатни асраш инсониятни асрашдир

ОРОЛ ТАБИАТИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ПРОКУРОРИ, АДЛИЯ КИЧИК МАСЛАҲАТЧИСИ ОДИЛБЕК РЎЗМЕТОВ БИЛАН СУҲБАТ



**— Одилбек оға, Оролбўйидаги экологик аҳвол, атроф-муҳитга муносабат ҳақида олимлар, ёзувчилар кўп гапиришган. Шу соҳанинг прокурори сифатида сиз нима дейсиз?**

— XX асрнинг охирги чорагида республикамизда юз берган экологик вазият нафақат Оролбўйи аҳолиси, балки бутун дунё халқлари учун ҳам катта хавф туғдирди, десак ҳеч муболаға бўлмайди. Ҳаммамиз яхши биламизки, собиқ иттифоқ даврида Орол денгизини доимий равишда сув билан таъминлайдиган Сирдарё ва Амударёнинг сувлари нотўғри тақсимланди. Минглаб гектар янги ерлар ўзлаштирилди. Натижада Оролнинг ризқи насибаси қирқилди. Дарёларда сув камайгач, уни умуман унутиб қўйишди. Фақатгина мустақиллик шарофати билан 1993 йил 26 март куни Қозоғистоннинг Қизилўрда шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг Орол ҳудудида экологик вазиятни соғломлаштириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш борасида ҳамкорлиги бошланди. Ҳамкорликнинг дастлабки қадами сифатида Оролбўйи аҳолисига ижтимоий ёрдамлар кўрсатила бошланди. Мавжуд сувлардан тўғри, исрофсиз фойдаланишга даъват бошланди. Орол атрофида кичик-кичик кўллар барпо қилишга киришилди. Мавжудларини батамом қуриб кетмаслигининг олди олинди. Минтақа аҳолисининг саломатлигини тиклаш, ишсиз аҳолига доимий иш ўринларини яратиш учун имтиёзли микрокредитлар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари учрашувларининг самараси сифатида «2003-2010 йилларда Орол денгизи ҳудудида ижтимоий-иқтисодий ҳамда экологик аҳволни яхшилаш борасида ҳаракат дастури» ишлаб чиқилди.

Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш жуда муҳим иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масаладир. Шунинг учун ҳам табиатни авайлаб-асраш, уни келгуси авлодга қолдириш ҳам инсоний, ҳам маънавий бурчимиздир. Бу тўғрисида Конституциямизнинг 50-моддасида ҳам фуқаролар атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбурлиги қайд этилган. Қачонки, ҳар бир фуқаро табиатни авайлаб-асраса ва уни муҳофаза қилса, бизни ўраб турган атроф-муҳитнинг ўзи ҳамда атрофдагилар учун нақадар зарурлигини англасагина, бу умуминсоний муаммони ҳал этиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, табиатни инсондан эмас, балки инсон учун табиатни ҳимоя қилиш керак. Ана шундагина биз муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, келгуси авлодга озод ва обод ватан қолдира оламиз.

**— Табиатга нисбатан лоқайд, бешафқат муносабатда бўлаётганлар ҳам оз эмас. Бу ҳақда фикрингиз қандай?**

— Минг афсуски, кўп ҳолларда табиатга нисбатан жиноят-корона муносабатда бўлиш, табиатни асрашдек муҳим бурчни бажармасликка уринамиз. Айниқса, кўчалар, йўлаклар, яшаш ва жамоат жойларини, ҳавони ифлослантириш, ариқлар, каналларга ахлат ва чиқиндилар ташлашдан тортиб ўрмонларни кесиш, «Қизил китоб»га киритилган ноёб ҳайвонот дунёсига зарар етказиш, ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик ҳолатлари ҳар қадамда содир этилаётгани киши дилини оғритади. Мисоллар келтирайлик. Соҳада кўп йиллар ишлаган, қонун ва қоидаларни жуда яхши билган Нукус туман ўрмон хўжалиги участка бошлиғи Султанияз Пирниязовнинг мансаб мавқеини суиистеъмол қилганлигига асло чидаб бўлмайди. У ўз манфаатлари йўлида мазкур хўжаликка қарашли 732 минг сўмлик ёш дарахтларни кесиб, фуқаролар Нуриддин Яқубов ва Эрдош Юлдашевларга 50 минг сўмга сотиб юборади. Дарахтларни асраш, парваришлаш, кўпайтиришга масъул бўлган бу шахснинг хатти-ҳаракатларини қандай баҳолаш мумкин?

Шунингдек, Тўрткўл туманида яшовчи фуқаро Ҳамро Атаев махсус рухсатномаси бўлмасдан туриб, овчилик билан шуғулланган. Буниси ҳам етмаганидек, «Қизил китоб»га киритилган қирғовул ва бошқа ноёб ҳайвонларни овлаган. Тўғри, жиноий ҳаракатлари учун айбдорлар тегишли жазосини олдилар. Аммо етказилган зарар қандай қопланади? Ахир бир туп дарахтни қайта етиштириш учун қанча йиллар керак. Шундоқ ҳам бутунлай йўқолиб кетиш арафасида турган ҳайвонот дунёсини қандай қайтара оламиз?

Нукус автомобиль йўлларидан фойдаланиш бошқармаси, «Чимбойдонмаҳсулотлари», «Хоразмсувоқова», «Хоразмпахтасаноат» акциядорлик жамиятлари тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари томонидан ер ва сувдан оқилона фойдаланмаслик ҳамда табиатни муҳофаза қилишга оид қонунлар талабини бузиш ҳоллари мавжуд. Оддий фуқароларни-ку тирикчилик ташвиши учун шундай қилгандир, деб тушуниш мумкиндир. Лекин масъул мансабдор шахсларнинг бу хатти-ҳаракатлари нимани билдиради?

**— Она табиатни соғ-омон келгуси авлодга етказмоқ учун қандай чора-тадбирлар кўриш лозим, деб ўйлайсиз?**

— Қонун талаблари ижросини назорат қилувчиларнинг ишларини жонлантириш керак. Фикримча, уларга берилган имтиёз ва ҳуқуқлар доирасини кенгайтириш, уларни техник воситалар билан таъминлаш масаласини кўриб чиқиш даркор. Қолаверса, табиатни муҳофаза қилиш ишларига кенг жамоатчилик, ёшларимиз жалб қилинса, дуруст бўлади. Ҳар бир ўқув муассасаларида табиатни муҳофаза қилишга оид алоҳида ўқув машғулотлари ўтказиш жорий этилса ҳамда бу соҳада ҳуқуқий тарғибот ишлари кенг халқ оммаси ўртасида мунтазам равишда олиб борилса, кўзланган мақсадларга албатта эришамиз.

**Суҳбатдош:**
**Муҳаммадсобир АЙТИМОВ**

---

**УЧРАШУВ**

# Муаллим ила матбуотнинг мақсади бир, маслаги бир

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Факультетлар қошида Алишер Навоий, археология, биология ва зоология музейлари фаолият юритмоқда. Ёшларимиз таълим-тарбия олишлари учун барча шароитлар яратилган. Ўқув бинолари қайтадан таъмирланди. Бунга амалий жавоб сифатида университет олимлари ва талабалари мамлакатимиз илм-фанини янада юксалтириш йўлида изланмоқдалар. 2002-2003 ўқув йилида университет талабаларидан уч киши Президент стипендиясига сазовор бўлди.

Олий таълим тарихи ва бугуни ҳақида қатор илмий тадқиқотлар яратилмоқда. Буюк олимлар издошлари бўлган академик Ботурхон Валихўжаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Мавлон Жўрақулов, мумтоз адабиётимизнинг ҳақиқий билимдони Раҳмонқул Орзибеков, профессор Карим Саидов, халқаро ахборотлаштириш академиясининг академиги Ҳотам Тўраев, моҳир тилшунос Бозорбой Ўринбоевлар фаолият кўрсатмоқдалар.

СамДУнинг муҳташам маданият саройида бўлиб ўтган учрашувни университет ректори, Олий Мажлис депутати, профессор **Рустам ХОЛМУРОДОВ** кириш сўзи билан очди.

— Бугунги матбуот демократик жамият қуришнинг тезлашувига хизмат қилмоқда. Ана шундай нашрларимиздан бири саҳифаларида давлатимиз сиёсати, халқимиз ҳаётида юз бераётган энг муҳим ҳодисалар, ўзгаришлар ҳамда янгиликларни муттасил ёритиб борадиган ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам маънавий-маърифий соҳаларни ўзида мужассам этган газета бу — «Ўзбекистон овози»дир.





Мазкур нашрнинг ёшлар ҳаёти, орзу-интилишлари, уларга яратилаётган имкониятлар ва эришаётган ютуқларини кенг оммага етказиши талабаларимиз ўртасида қизғин кутиб олинмоқда. Газетанинг 17 апрель сонида эълон қилинган «Иқтидорли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи» рукни остидаги «Юрак тўридаги тилак» сарлавҳали мақолада ўз билими ва иқтидори туфайли Япониянинг Токио шаҳрида таҳсил олаётган бугунги ўзбек ёшлари ҳақида ҳикоя қилинади. Бу мақола университетимиз талабаларида жуда катта қизиқиш уйғотди. Мақола қаҳрамонига ўхшаган ёшлар толиби илмларга ўрнак бўлиши шубҳасиздир.

Газета саҳифаларида Ўзбекистон Қаҳрамони, истиқлол куйчиси Абдулла Орипов қаламига мансуб миллат, ватан, азалий ва абадий қадриятларимиз мадҳ этилган, улуғланган мисраларнинг муттасил бериб борилаётганлиги ҳам мазкур нашрнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, муштарийларига мақбул бўлаётган жиҳатидир.



**Дилшода БУРХОНОВА, иқтисодиёт факультети 1-курс магистри:**

— Газета саҳифаларида иқтисодий мавзуда эътиборни тортадиган қатор мақолалар эълон қилинмоқда. Бозор муносабатларининг ўзига хос томонлари очиб берилмоқда. Мана шу мавзудаги материалларга янада кенгроқ ўрин ажратилса. Муаллифлар ўртасида баҳс-мунозаралар уюштирилса, яхши бўларди.

**Азизжон СОЛИЕВ, ҳуқуқшунослик факультети талабаси, Президент стипендианти:**

— Газетанинг шу йил 22 апрель сонида менинг таржимаи ҳолимга оид мўъжазгина мақола ва суратим эълон қилинди. Бу кун менинг ҳаётимдаги унутилмас воқеа бўлиб қолади. Шу йўналишдаги ишлар давом эттирилиб, хорижда таълим олаётган тенгдошларимиз ҳаётидан қизиқарли хабарлар мунтазам бериб борилса. Ёшларимизнинг ютуқлари, илмий тадқиқот ишларига эътибор янада кучайтирилса.

**Дилором САЛОҲИЙ, «Самарқанд университети» газетаси муҳаррири:**

— 2004 йилда Самарқандда талаба ёшларнинг «Универсиада — 2004» спорт мусобақалари ўтказилади. Ушбу муҳим тадбирга тайёргарлик ҳамда уни ўтказиш бўйича мутахассис ҳамда ёшларнинг фикр-мулоҳазалари газетада ёритиб борилса. Иқтидорли ёшлар олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейлар ҳаётидан бериб борилаётган суратли лавҳалар кўпайтирилса...

Шунингдек, ўзбек филологияси факультети декани, доцент Тоҳир Қурбонов ва бошқалар ўз чиқишларида бугунги ўзбек матбуотининг ютуқ ва камчиликлари ҳақида мулоҳаза юритдилар. Шундан сўнг «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остонов 2002-2003 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси совриндори бўлган бакалавр ва магистрларга Юртбошимиз асарлари тўпламини совға қилди. Университет олимлари ва талабалари билан таҳририят жамоаси ижодий ҳамкорлик қилишга, фанимиз янгиликлари, кашфиётлар, талабалар тадқиқотларига газета саҳифаларида кенг ўрин ажаратиш юзасидан келишиб олдилар.

Академик шоиримиз Ғафур Ғуломнинг СамДУга бағишланган шеърида мана шундай ўлмас сатрлар бор:

***Ватанга — жамоли***
***жаҳон орони,***
***Бергувчи фарзандлар***
***бешиги бу ер.***
***Шарққа маърифатнинг***
***аниқ юзини,***
***Бениқоб кўрсатган***
***эшиги бу ер.***

**Фаррух ҲАМРОЕВ.**

✧✧✧

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

---

**ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ**

**ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИГА БАҒИШЛАБ**

◆ **Хива шаҳри**даги 20-«Меҳрибонлик уйи»да «Сен ёлғиз эмассан» мавзуидаги хайрия тадбири ўтказилди. Хива туман партия кенгаши, тумандаги қатор жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳомийлар болаларга кийим-кечак ва қимматбаҳо совғаларни топширдилар.

◆ **ХДП Зомин туман кенгаши** туман ҳокимлиги билан биргаликда 50 дан ортиқ етим болалар учун «Саёҳат» чойхонасида байрам дастурхони ташкил қилиб, уларни турли-туман ширинликлар билан меҳмон қилишди.

◆ **Урганч туман партия кенгаши** «Биз бахтиёр болалармиз» мавзуидаги байрам кечасини ташкил қилди.

◆ **Янгийўл шаҳар партия кенгаши**, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари бўлимлари ногирон ва кўпболали оилалар фарзандларини «Буратино» кафесига таклиф қилдилар. Бу ерда болалар учун концерт берилиб, совғалар топширилди.

◆ **Ховос туман партия кенгаши** ташаббуси билан тумандаги «Машъал», «Гулшан», «Кичкинтой» болалар боғчаларида «Биз — XXI аср болаларимиз» мавзуида маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди.

◆ **Пскент туман партия кенгаши** эса 40 нафар ўқувчига ўқув қуролларини совға қилди.

◆ ХДПнинг **Бекобод шаҳри**даги фаоллари 4 та кўп болалали оилада бўлиб, уларга партия кенгашининг моддий ёрдамини топширдилар.

◆ **Данғара туман партия кенгаши** томонидан «Тантиқсарой» ва «Муқимий» маҳаллалари ҳудудий бошланғич партия ташкилотларида «Соғлом миллат — соғлом жамият кафолати» шиори остида спорт мусобақаси ташкил этилди. Унда мактаб ўқувчилари спортнинг турли йўналишлари бўйича беллашдилар. Ғолибларга партия кенгаши биринчи котиби З.Ҳамралиева эсдалик совғалари ва спорт буюмларини топширди.

◆ Шунингдек, **Хоразм вилоят, Ангрен, Бухоро, Вобкент, Ширин, Урганч шаҳар, Амударё, Бухоро, Боёвут, Зомин, Меҳнатобод, Мирзаобод, Оқолтин, Пешку, Сирдарё, Учқўрғон, Ш.Рашидов, Чуст, Ғиждувон, Қоракўл туман партия кенгашлари** ҳам байрам тадбирларини ўтказдилар. Жойларда болалар учун қизиқарли томошалар, турли хил мусобақалар ўтказилди, байрам совғалари улашилди, ширинликлар тортиқ қилинди.

**ОММАВИЙ-СИЁСИЙ, МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР**

◆ **ЎзХДП Бухоро шаҳар кенгаши** мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг долзарб масалаларини омма ўртасида тушунтириш мақсадида тарғибот гуруҳини тузган. Унга тажрибали тарғиботчи С.Мамедов раҳбарлик қилмоқда. Ушбу гуруҳ шу кунларда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, вилоят ИИБ, «Халқ банки»нинг вилоят бўлими, вилоят божхона бошқармасида бўлиб, Олий Мажлиснинг XI сессияси якунлари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, парламент ислоҳоти масалалари юзасидан чиқишлар қилдилар.

◆ **Андижон шаҳар, Марҳамат, Балиқчи туманлари**даги қатор мактабларда ўқув йили тамом бўлишига бағишлаб ўтказилган тадбирларда шаҳар, туман партия кенгашлари раҳбарлари ҳам иштирок этдилар. Партия фаоллари сўзга чиқиб, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларга «оқ йўл» тиладилар, уларнинг мамлакатимиз гуллаб яшнашига ўз ҳиссаларини қўшишларига умид билдирдилар.

## Ҳикматли сўзлар маъноси

### Етти ёшга етгунча ер тўқмоғин ерсан, етмиш ёшга етгунча эл тўқмоғин ерсан

Мазмуни: «Болалигингда қоқилиб, йиқилиб, ердан «тўқмоқ» ейсан. Катта бўлганингдан кейин эса, бутун умринг давомида одамларнинг аччиқ-чучук гапларини эшитасан, ҳатто уларнинг зарбини ҳам ейсан. Бундан хафа бўлма, кўник, чида», дейилмоқчи.

### Етти қизнинг онаси — ҳанузгача келинчак

Ёши анча ўтиб қолган бўлишига қарамай қизлар, келинчакларга хос кийиниб, пардоз-андоз қилиб юрувчи олифта аёлларга нисбатан киноя тарзида қўлланиладиган бу мақол қуйидаги топишмоқдан олинган (бу ўринда шуни айтиш керакки, баъзи қўшиқлар ва топишмоқларнинг бир қисмини мақол тариқасида ҳам айтиб юрадилар):

*«Чўпчагим чўпчак,*
*Олтин беланчак,*
*Етти қизнинг онаси,*
*Ҳанузгача келинчак».*

### Еттининг бири — айёр

Мазмуни: «Жамиятда ҳар хил одам бор. Бирининг дили пок, беғараз бўлса, бошқа бирининг хулқи бузуқ, нияти қора бўлади. Шунинг учун ниҳоятда эҳтиёт, ҳушёр бўл, одамларнинг ҳаммасига ҳам ишонаверма, ҳар кимга қалбингни, сир-асроринги очаверма» дейилмоқчи.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Наманган, Жиззах, Фарғона, Бухоро, Хоразм вилоятларида бўлиб ўтган спорт ўйинлари Ватанимиз ёшлари хотирасида ўчмас из қолдирди. Уч босқичли тизим туфайли жойларда шинам ва кўркам, замонавий спорт мажмуалари, ўйингоҳлар барпо этилди. Кўчалар, маҳаллалар обод бўлди, юрт чиройига чирой қўшилмоқда.



# Юрт равнақи, миллат келажагини ўйлаб

## БУГУН АНДИЖОНДА РЕСПУБЛИКАМИЗ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА АНЪАНАВИЙ «БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ БОШЛАНАДИ

Бугун эса гўзал водийнинг ажиб маскани Андижон ана шундай бетакрор ва ҳаяжонли лаҳзалар оғушида. Бир ҳафта давом этадиган спорт байрамига андижонликлар жуда катта ҳозирлик кўришди. Баҳслар ўтказиладиган ҳар бир спорт мажмуи, ўйингоҳлар байрамона безатилди. Мусобақа дастуридан жой олган беллашувларни кўтаринки руҳда ўтказиш учун жойларда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Кичик олимпиада деб эътироф этилаётган мусобақа ҳаяжони нафақат Андижонни, балки бутун мамлакатни қамраб олиши қувонарлидир.

— Бу йилги спорт ўйинлари дастлабки мусобақалардан бироз фарқ қилади, — дейди Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази раҳбари, мусобақа ташкилий қўмитаси раиси Жуманазар Ҳусанов. — Бундан икки йил муқаддам Жиззахда ўтказилган «Баркамол авлод» спорт ўйинларида иштирокчилар саккиз тур бўйича баҳслашганди. Бу йил қатнашчилар спортнинг 14 тури бўйича ғолиблик учун кураш олиб боришади. Мусобақанинг финал босқичида 2786 нафар иштирокчи қатнашади. Бу Жиззахдаги мусобақа қатнашчилари сонидан 910 нафарга кўпдир. Яна бир фарқли томони, иштирокчилар «Баркамол авлод» спорт мусобақалари учун махсус тайёрланган либосларда майдонга чиқишади. Эътиборлиси, ўсмир ва қизлар учун ҳозирланган ўн тўрт хилдаги либосларнинг барчаси мамлакатимиздаги ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув ишлаб чиқариш устахоналарида тикилган.




Марҳамат туманида спортнинг волейбол тури анча оммалашган. Шу боис, мусобақа дастуридан жой олган волейбол баҳслари айнан шу туманда ўтказиладиган бўлди. Марҳамат қишлоқ ва сув хўжалиги коллежидаги 500 ўринли спорт зали мусобақа олдидан тўла қайта жиҳозланди.

Шаҳрихон ва Олтинкўл туманларидаги ўйингоҳларда футбол беллашувлари ўтказилади. Ҳар икки спорт кошонаси таниб бўлмас даражада янгиланди. Спортчилар ва томошабинлар учун қатор қулайликлар яратилди.

Хонобод шаҳрини «кичик Швейцария» дея таърифлашади. Бу шаҳар ўзининг доимий ям-яшиллиги, соя-салқинлиги, озода ва саришталиги билан кўпчиликнинг эътиборига тушган. Хонободда оғир атлетика, белбоғли кураш ва кураш баҳслари ўтади. Шу туфайли бу ерда нуфузли мусобақага ҳар жиҳатдан муносиб тайёргарлик кўрилди. Шаҳар маданият ва истироҳат боғида икки минг томошабинга мўлжалланган янги кураш саройи фойдаланишга топширилди. Мусобақа қатнашчиларининг кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришлари учун шаҳардаги Компьютер технологияси ва саноат касб-ҳунар коллежи ётоқхоналари, ошхоналари ҳозирланди.

Андижонлик ҳунармандлар ҳам мусобақа иштирокчиларига ажойиб совға тайёрлашган.

— Уюшмамиз жамоаси, — дейди «Ҳунарманд» уюшмаси вилоят бўлими раиси Манзурахон Юсупова, — шу кунгача «Баркамол авлод» спорт мусобақаси рамзи туширилган 3 минг дона товоқ тайёрлади. Рассом Н.Шарипов эскизлари асосида тайёрланган бу товоқлардан ҳар бир иштирокчига эсдалик сифатида туҳфа қилинади.

Бир сўз билан айтганда, бугун Андижонда ҳақиқий спорт байрами бошланади.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**

✧✧✧

**Суратларда:** «Баркамол авлод» спорт ўйинлари иштирокчиларини кутиб олиш тантаналаридан лавҳалар.

**Ҳурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар**

**INTER-SPORT**

## Кличко рингга ҳозирланмоқда

WBO йўналиши бўйича собиқ жаҳон чемпиони, украиналик оғир вазнли боксчи Владимир Кличко навбатдаги жангни ўтказишга ҳозирланмоқда.



Маълумки, Кличко ҳозирги пайтда Лос-Анжелесда истиқомат қилади. Боксчининг навбатдаги учрашувини шу йил 30 августда Германияда ўтказиш мўлжалланмоқда. Тахминларга қараганда, унга ўзининг ҳамклуби Хуан Карлос Гомез рўбарў бўлиши мумкин экан.

## Тўпурарни шарафлаш

Италиянинг «Милан» клуби ҳужумчиси, Украина терма жамоаси аъзоси Андрей Шевченкони Киев аэропортида мухлислар тантанали равишда кутиб олдилар. Маълумки, бу футболчи 28 май куни «Милан» жамоаси билан «Ювентус» клуби ўртасида бўлиб ўтган чемпионлар лигаси кубоги учун курашда дарвозага ғалаба келтирган тўпни урган эди. Андрей энди 7 июнда Арманистон, 11 июнда Греция терма жамоалари билан Украина футболчилари ўртасида ўтказиладиган Европа чемпионати саралаш ўйинларида иштирок этади.

# Кўзларда қувонч, юзларда шодлик порлади...

(Давоми. Боши 3-бетда.)

Руҳиятшунослар фикрига кўра, ёшлигида меҳр кўрмай улғайган одам бадjаҳл бўлар экан. Орамизда ота-она меҳрига муҳтож болалар ҳам бор. Улар меҳрибонлик уйларида тарбияланадилар.



Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган 23-меҳрибонлик уйида бир қанча ҳомий ташкилотлар ва жисмоний шахслар кўмагида катта байрам тадбири бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси Машкура Сафоева, Олий Мажлис депутати Гулнора Йўлдошева, ЎзХДП Марказий Кенгаши котиби Аслиддин Рустамов, шунингдек, Республика «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Сен ёлғиз эмассан» болалар жамғармаси, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси, хорижий мамлакатларнинг юртимиздаги элчихоналари, ЎзХДП Чилонзор туман кенгаши, ОАВ ва бошқа қатор ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Байрамга ҳеч ким қуруқ қўл билан келмади. Ҳар ким ҳимматига яраша, бу ерда тарбияланаётган болаларни шод этиш мақсадида, совға-саломлар улашди, дил сўзларини айтишди.

Айниқса, ЎзХДП Чилонзор туман кенгаши томонидан совға қилинган компьютер, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси тортиқ этган ширинликлар болаларни чексиз қувонтирди. Олий Мажлис депутатлари Машкура Сафоева ҳамда Гулнора Йўлдошевалар келтирган дори-дармонлар, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг велосипедлари, ЎзДЖТУ ҳамда «Ўзтрансгаз» АК совға этган ўқув қуроллари, фуқаро Умринисо Султонова ҳадя этган кийим-кечаклар ва бошқа ташкилотларнинг совғалари ҳам шубҳасиз, бу болаларнинг соғлом, бақувват, билимли, доно, баркамол инсон бўлиб етишишларига хизмат қилади.

— Бу ерда 110 нафардан зиёд 3 ёшдан 10 ёшгача бўлган ўзбек ва рус тилларида сўзлашувчи болалар тарбияланади, — дейди меҳрибонлик уйи директори Светлана Килдишева. — Кўпчилигининг отаси ҳам, онаси ҳам бор. Аммо, гиёҳвандликка берилиб кетган, ногирон ёки бошқа сабабларга кўра улар ўз фарзандини моддий жиҳатдан таъминлай олмайди. Бугун бу ерга ташриф буюрган ва байрамимизга ўз совға-саломлари билан қатнашаётган барча-барчадан миннатдорман.

Дарҳақиқат, бугун барчанинг эътибори болаларнинг кўнглини кўтариш, ота-оналари йўқ ёки ташлаб кетган бўлса-да, ёлғиз эмас, уларнинг бошларида эл-юрти меҳри, мурувввати борлигини ҳис қилишларига қаратилган. Барча саъй-ҳаракатларнинг самарасини эса ўксик кўнгилли болалар кўзларидаги қувончда кўриш мумкин эди.

Кўнгиллари қувончга тўлган болалар меҳмонларни ўз куй-қўшиқлари ва ажойиб рақслари билан хушнуд этдилар.

Байрамни муносиб нишонлаш, қолаверса, уни болалар ўртасида кенгроқ тарғиб этиш мақсадида, ЎзХДП Сирғали туман кенгашида ҳам қатор тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Обод маҳалла йили муносабати билан бу галги тадбирлар кўпроқ маҳаллаларга, уларда истиқомат қилаётган болаларни эъзозлашга қаратилди. Жумладан, тумандаги Абдураҳмон Жомий, Собир Раҳимов, Тинчлик ва Оқибат маҳаллаларида яшовчи болалар ўртасида ўтказилган кўрик-танловда юздан зиёд жажжи ўғил-қизлар ўзларининг истеъдоди ҳамда ижодий маҳоратларини намойиш этдилар. Кўтаринки руҳда ўтган танлов якунида ғолибларга туман кенгаши таъсис этган қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Тошкент аэропорти маданият саройида бўлиб ўтган тадбирда расм чизиш бўйича болалар ўртасида танлов уюштирилди. Болажонлар қалбида олам-олам завқ ва унутилмас таассурот қолдирган ушбу тадбирда жажжиларнинг бадиий чиқишлари намойиш этилди, куй-қўшиқлар куйланди. Партия туман кенгаши ва ҳомийлар томонидан улашилган совғалар бу ерга ташриф буюрганларни шодлантирди.

ЎзХДП Ҳамза туман кенгаши Муқимий номидаги маҳалла гузарида туман ҳокимлиги, «Нуроний» жамғармаси ҳамда туман «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда байрам тадбирини ташкил этди. Байрам кечасига мазкур маҳалладаги 200 нафар ногирон ва ота-онасиз болалар таклиф этилди ва улар учун байрам дастурхони ёзилиб, санъаткорлар ижросида куй-қўшиқлар ижро этилди.

Тадбирни ташкиллаштиришда мазкур маҳалла бошланғич партия ташкилоти котиби Насиба Алимова фаол иштирок этди.

Тадбир сўнггида, улар иштирокида, «Дунё болалар нигоҳида» мавзусида асфальтга расм чизиш бўйича кўрик-танлов ўтказилди. Ғолиб бўлган болалар туман партия кенгаши ва ҳомийларнинг совғалари билан тақдирландилар.

ЎзХДП Акмал Икромов туман кенгаши туман «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган байрам тадбирини ўтказди.

Шу куни А.Икромов маданият ва истироҳат боғидаги аттракционлар, ўйингоҳлар болалар ихтиёрида бўлди ва уларга концерт дастурлари намойиш этилди. Шунингдек, кам таъминланган оилалар фарзандларига партия туман кенгаши биринчи котиби Маҳмуд Ёқубов ва ҳомийлар томонидан ўқув қуроллари топширилди.

Байрам муносабати билан Собир Раҳимов тумандаги 24-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан 50 нафарини ҳамда маҳаллаларда истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларнинг 150 нафар фарзандларини ХДП туман кенгаши ўз ҳисобидан Тошкент Давлат циркига боришини ташкиллаштирди. Туман партия кенгашининг бу ташаббусини 3-автобус саройи ҳиссадорлик жамияти қўллаб-қувватлаб, уларга махсус автобуслар ажратди.

Тошкент Давлат циркидаги қизиқарли томошалар болаларга ҳақиқий байрам кайфиятини ҳадя этди.

## Арипов Субхонқул Орипович

Арипов Субхонқул Орипович 1930 йилда Қўқон шаҳрида туғилди.

1950 йилда Қўқондаги тиббиёт техникумини битириб, Самарқанд тиббиёт институтига ўқишга кирди ва институтни битиргач, Саратов шаҳридаги тиббиёт институтининг ҳарбий факультетида билимини оширди.

1958 йилда Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи бўлиб ишлади.

1970-71 йилда вилоятда масъул лавозимларда хизмат қилади.

Субхонқул Орипович ташкилотчилик қобилиятини, ўткир зеҳнини ҳисобга олиб, 1979 йилда республика Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, IV Бош Бошқарма бошлиғи этиб тайинланди, 1979-81 йилларда республика Соғлиқни сақлаш вазири бўлиб ишлаган даврида юртимизда тиббиётнинг илмий-назарий жиҳатдан замонавий даражага кўтарилиши, касалликларни профилактика қилиш ва даволаш ишларини янада яхшилаш бўйича катта ишларни амалга оширди. Унинг юзлаб шогирдлари бор. Айниқса, республикада тиббий кадрлар малакасини ошириш, тиббиётнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий, назарий ва амалий ишлар юқори поғонага кўтарилди ва бойиди.

Субхонқул Орипович Самарқанд медицина институтининг ректори бўлиб ишлаган даврда институтда тиббий кадрлар тайёрлаш учун барча имкониятлар яратилди.

Субхонқул Арипов «Оила шифокори» ва «Домашний доктор» газеталарининг Бош муҳаррири бўлиб ишлаган даврида газетада тиббиётнинг турли масалаларига, касалликларнинг олдини олиш ва даволаш, республикамизда тиббиёт соҳасида рўй бераётган ислоҳотлар, изланишлар ва бошқа ҳаётий масалалар кенг ёритилди.

Субхонқул Орипович Арипов қаерда, қайси лавозимда ишламасин Ўзбекистон тиббиётининг равнақ топиши, касалликларнинг олдини олиш ва даволаш, илмий, назарий ҳамда амалий ишларнинг жаҳон андозасига кўтарилиши учун жон куйдирди, то умрининг охиригача тинмай, хормай-толмай фидойилик билан ишлади. Бир қанча орден, медаллар, фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди.

Ўзбекистон тиббиёти оғир жудоликка учради. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Субхонқул Арипов 73 ёшида оламдан ўтди. Унинг порлоқ хотираси қалбларимизда абадий сақланади.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

«Солих-табассум» хусусий фирма раҳбари Розиков Солих Сидикович номига берилган шартнома 1220-2000 сонли ер кадастр ҳужжатлари, 2002 йил 16 декабрдаги Шайхонтоҳур туманлараро фуқаролик суди қарорига асосан
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Газетанинг навбатдаги сони 10 июнь, сешанба куни чиқади.

**BOSH MUHARRIR**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI**
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi
**Farruh HAMROYEV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar
**Ikromjon ISMOILOV**
**Elyor UBAYDULLAYEV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
*Hajmi 2 bosma taboq.*

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 512
11352 nusxada bosildi
*Topshirish vaqti — 21.00.*
*Topshirildi — 23.30*
1 2 3 4 5 6
**SOTUVDA ERKIN NARXDA**